



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 6 » июль

№ 422

Toshkent sh.

Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини bosқичма-bosқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Одабнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фани 1–9-синфларда – 2020/2021 ўкув йилидан, 10–11-синфларда эса – 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-bosқич амалиётга жорий этилсин.

2. Қуидагилар:

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг яратилишини мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни яратиш бўйича тузувчилар гурухи таркиби 2-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани концепцияси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

“Тарбия” фани бўйича умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ва ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 10 июлга қадар 2020/2021 ўкув йилига умумий ўрта таълим муассасаларининг 1–9-синфлари учун ҳамда 1 декабрга қадар 2021/2022 ўкув йилига 10–11-синфлар учун мўлжалланган “Тарбия” фани бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларга буюртмаларни шакллантирсин;

2020 йил 15 июлга қадар 1–9-синфлар ҳамда 2021 йил 1 майга қадар 10–11-синфлар учун мўлжалланган “Тарбия” фани бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни чоп этиш бўйича истисно тариқасида декларация килинган нархлар асосида давлат ва хусусий нашриёт-матбаа ташкилотлари билан шартномалар тузсин;

“Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни янги ўқув иили бошлангунга қадар чоп этишни ташкил этсин ва уларнинг жойларга етказилишини таъминласин;

2020 йил июль ойидан бошлаб янги ўқув иили бошлангунга қадар “Тарбия” фани бўйича тайёрланган ўқув дастурлари ва дарсликлар асосида умумтаълим мактабларидағи “Бошланғич таълим”, “Миллий ғоя ва хуқук”, “Тарих” ва “Диншунослик” мутахассислигига эга фан ўқитувчилари учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида “Тарбия” фанидан онлайн шаклда мақсадли малака ошириш курсларини ташкил этсин;

малака ошириш курслари давомида “Тарбия” фанидан тайёрланган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ўтказсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

“Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш (дарсликларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва етказиб бериш, тузувчиларга ҳак тўлаш) билан боғлиқ харажатлар дарслик ва ўқув-методик мажмуаларнинг умумий нархига киритилади;

“Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув мажмуаларини харид қилиш ва етказиб бериш харажатлари:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синф, Мехрибонлик уйлари, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлари ўқувчиларини, ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ оиласалар фарзандларини ҳамда ўқитувчилар учун “Тарбия” фанидан дарсликлар, мультимедиа иловалари ва ўқув-методик мажмуалар нашр этилиши, шунингдек, ижара асосида дарсликлар билан бирламчи таъминлаш – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан;

ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Халқ таълими вазирлиги:

2020–2023 йилларда республика олий таълим муассасаларининг “Бошланғич таълим”, “Тарих” (мамлакатлар ва минтақалар бўйича), “Тарих ўқитиш методикаси”, “Филология ва тилларни ўқитиш: Ўзбек тили”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқук таълими”, “Педагогика ва психология”, “Диншунослик” ва Исломшунослик (Ислом тарихи ва манбашунослиги), “Психология (Дин социопсихологияси)” таълим йўналишлари битирувчиларига умумий ўрта таълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш хуқуки берилиши юзасидан зарур чораларни кўрсинг ва мазкур таълим йўналишлари ўқув режаларига 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда умумий ўрта таълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш учун кадрлар тайёрланадиган янги таълим йўналиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 6 июлдаги 422-сон қарорига
1-илова

**Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун
“Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг
яратилишини мувофиқлаштирувчи гурӯҳ
ТАРКИБИ**

1. Ш.Шерматов – халқ таълими вазири, *гурӯҳ раҳбари*
2. Д.Кенжаев – халқ таълими вазири ўринбосари, *гурӯҳ раҳбари ўринбосари*
3. *Лавозимиға кўра* – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, *гурӯҳ раҳбари ўринбосари*
4. М.Комилов – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари
5. А.Тагаев – Халқ таълими вазирлиги Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи
6. Ш.Сатторов – Республика таълим маркази директори
7. Л.Гайнутдинова – Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази директори
8. Ҳ.Тўйчиева – Халқаро ислом академияси ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири
9. О.Эрназаров – Халқаро ислом академияси илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш шўъбаси бошлиғи
10. И.Камолов – Тошкент шаҳридаги Президент мактаби тарих, миллий ғоя, маънавият асослари ва хукуқ фанлари ўқитувчиси
11. З.Рашидова – Тошкент шаҳридаги Президент мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси
12. Ш.Тошмирзаева – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси
13. Б.Хасanova – Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 48-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси
14. З.Жабборова – Республика таълим маркази методисти, *гурӯҳ котиби*

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 6 июл даги 422-сон қарорига
2-илова

**Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун
“Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни
яратиш бўйича тузувчилар гурухи
ТАРКИБИ**

1. Д.Кенжав – халқ таълими вазири ўринbosари, гуруҳ раҳбари
2. М.Қуронов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринbosари, гуруҳ раҳбари ўринbosари
3. О.Махмудов – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги матбуот котиби
4. З.Исломов – Халқаро ислом академияси профессори
5. Д.Раҳимжонов – Халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси
6. Д.Рўзиева – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори
7. З.Замонов – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кичик илмий ходими
8. Ш.Сатторов – Республика таълим маркази директори
9. Н.Исматова – Халқаро ислом академияси ҳузуридаги “Зиё-зукко таълим маскани” директори
10. С.Мадалиева – Халқаро ислом академияси ҳузуридаги “Зиё-зукко таълим маскани” психологи
11. С.Зокирова – Халқаро ислом академияси ҳузуридаги “Зиё-зукко таълим маскани” ўқитувчиси
12. С.Шермуҳамедова – Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси
13. С.Аккулова – Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси
14. Ю.Рысюкова – “O‘qituvchi” давлат унитар корхонаси илмий-методик нашриёт маркази директорининг инновация ва ривожлантириш бўйича ўринbosари

- | | |
|---------------------|---|
| 15. С.Хафизов | — “O‘qituvchi” давлат унитар корхонаси илмий-методик нашриёт маркази бўлим бошлиғи |
| 16. К.Жалилов | — “O‘qituvchi” давлат унитар корхонаси илмий-методик нашриёт маркази бўлим бошлиғи |
| 17. О.Усманова | — “O‘qituvchi” давлат унитар корхонаси илмий-методик нашриёт маркази етакчи мутахассиси |
| 18. Н.Холмуҳамедова | — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 49-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси |
| 19. Л.Мўминова | — Тошкент шаҳар Олмазор тумани 29-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 6 июн даги 422-сон карорига
3-илова

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Бугунги глобаллашув жараёнлари, фан-техника тараққиёти, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратмоқда. Улар олдига тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятларга содик бўлишдек ҳаётий талабларни қўймоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасида “Тарбия” фани концепцияси мазкур фанни давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Концепция ёш авлод тарбиясидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишига қаратилган устувор вазифалар, асосий мақсад ва йўналишларни белгилаб беради.

Шунингдек, Концепцияда белгиланган йўналишлар мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-кувватлаш мақсадида хуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизmlарни янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

2. Мазкур Концепция Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунлари, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган хужжатлари, хусусан “Бола хуқуклари тўғрисида”ги, “Бола хуқукларининг кафолатлари тўғрисида”ги конвенциялар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар-2030” стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун хужжатларига асосланади.

3. Концепцияда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси, миллий ва жаҳондаги илгор тажрибалар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширилади.

4. Концепция умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг ёшига мос маънавий ривожланишини таъминлаш ва фаол фуқаролик компетенцияларини шакллантириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар “Одбонома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Маънавият асослари”, “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ягона Тарбия фанининг

асосий йўналишларини белгилаб беради. Шу мақсадда, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Япония, Корея Республикаси, Австралия, Германия, Буюк Британия, Франция ва Россия Федерацияси каби давлатларнинг тажрибалари ўрганилди, амалдаги фанларнинг ўкув дастурлари ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилинди.

5. Концепция асосида яратилган дастур амалдаги Соғлом авлод асослари, Саломатлик, Йўл ҳаракати қоидалари, Ҳаёт хавфсизлиги асослари, Саломатлик дарслари, Ҳукуқий тарбия, Экологик тарбия, Медиа маданияти, Иқтисод ва солиқ сабоклари каби бир қанча факультатив ўкув курслари дастурларини бирлаштиради.

6. Концепция умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг (кейинги ўринларда – Малака талаблари) негизи ҳисобланади. Концепция “Тарбия” фанини ўрганиш босқичлари, ўкув фани бўйича таълим мазмуни ва малака талабларининг тузилишини белгилайди.

2-боб. Концепциянинг долзарблиги ва зарурати

7. Бугунги кунда ривожланган давлатларда ёшлар билан ишлашнинг янгича моделларини яратишда инновацион механизм ва технологияларни қўллашга доир кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

8. Шиддат билан ўзгараётган дунёда ўкувчи-ёшларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлашда масъулият, мажбурият, ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилик, маърифатлилик, диний ва миллий бағрикенглик, маънавий, фуқаровий, маданиятлараро, ижтимоий каби фазилатларни шакллантириш кун тартибидаги асосий масалаларга айланиб бормоқда.

Шу боис ёшлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанларни ўқитиши таълим жараёнига янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Жумладан, ёшлар тарбиясида дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадларни шакллантира олишга ўргатиш, бунинг натижаси ўлароқ, оила-жамият ўртасидаги муносабатларнинг узилиб қолишининг олдини олиш, лоқайдлик, ҳукуқбузарлик, “оммавий маданият”нинг турли кўринишларидан сақлаш имкони яратилади.

Бу, ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикасини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ёшлар тарбияси шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббускорлигида давлат сиёсати даражасига кўтарилигини инобатга олиб, ушбу йўналишдаги принципиал ёндашувларни такомиллаштириш, стратегик мақсад ва вазифаларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиши заруратини талаб қилди.

З-боб. Концепцияни жорий этишнинг асос ва принциплари

9. Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдаги асосий принциплар қуйидагилар ҳисобланади:

миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги;
онгли ватанпарварлик руҳини ривожлантириш;
соҳадаги замонавий илмий-тадқиқотларга асосланиш;
очиқлик ва шаффофлик;
тарбия соҳасига оид ташаббусларни кўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш;

тарбия соҳасига доир сиёsatни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусий сектор фаолиятининг мувофиқлиги ва мутаносиблиги.

10. Ҳукукий асослари:

Концепцияни амалга ошириш орқали шахс тарбиясида миллий норматив-ҳукукий базани мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ шакллантириш;

вазирликлар ва идоралар, муассасалар, давлат ҳамда нодавлат корхона ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари “Тарбия” фани концепциясининг амалга ошириш тизимини ташкил этади.

11. Ташкилий-бошқарув асослари:

Концепцияни амалга оширишнинг комплекс чора-тадбирлар режаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг қўшма қарорларни ишлаб чиқиш;

илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва уларни оммалаштириш, рағбатлантиришни ташкил этиш;

“Тарбия” фани концепциясининг самараадорлигини мониторинг қилиш.

12. Илмий-методик асослари:

шахснинг ижтимоийлашуви ва тарбиясига оид илмий-тадқиқот изланишларини амалга оширилишини таъминлаш;

“Тарбия” фани малака талаблари, ўқув дастурлари ва ўқув режаларини шакллантириш;

“Тарбия” фани дарсликларини яратишда самарали тарбия технологияларини жорий этиш;

“Тарбия” фани ўқув-методик мажмуасини яратиш ва амалиётга йўналтириш;

давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар томонидан одоб-ахлоқ, билим, кўникум ва малака ҳамда компетенцияларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш;

ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш;

ўқувчиларда илмий дунёқараш ва глобал тафаккур юритиш компетентлигини шакллантириш;

умумтаълим фанларини ўқитишнинг принципиал янги методологияси асосида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш.

13. Фаннинг таркиби, мазмуни, ўқув-методик таъминоти:

умумий ўрта таълим мактабларида Тарбия фанини ўқитиш талаблари куйидаги босқичларда ишлаб чиқилиши зарур:

бошланғич синф (A2), тўққизинчи синф (A2+), ўн биринчи синф (B1) битиравчисига қўйиладиган минимал малака талаблари, компетенциялар, баҳолаш тартиби ва ўқув дастурлари. Ҳар бир босқич маънавий-ахлоқий, тафаккур, ҳуқуқий, фуқаровий, иқтисодий, жисмоний, экологик, эстетик тарбия турларини ўз ичига олиши лозим;

ҳар бир босқичда ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш;

ўқувчилар тарбиясида оиланинг мактаб билан ўзаро самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ота-оналарга, бошқа миллат ва маданият вакилларига бўлган ҳурматни умуминсоний тамойилдан келиб чиқиб шакллантиришни қўллаб-қувватлаш;

бала ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимиға “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойилига асосланган миллий қадриятларни сингдириш;

ўқувчиларни ҳар томонлама, жисмоний, руҳий, маънавий-ахлоқий ривожлантириш орқали ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва турли мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатиш;

болада фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш;

дунё динларининг кўп асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган маънавий қадрият эканини тушунтириш билан бир қаторда, ҳеч бир дунё динида зўравонлик, терроризм ва экстремизм ғоялари тарғиб этилмаслигини тушунтириш;

шахс фаолиятида ижтимоий-маърифий институтлар билан ҳамкорликни кучайтириш;

маънавий-ахлоқий жиҳатдан муаммоси бор ёки тарбиясида бўшлиқлар мавжуд бўлган ёки нотинч оила фарзандлари, жиноятчиликка мойил бўлган ёки профилактик рўйхатда турадиган ёшлар билан индивидуал тарзда ишлаш тизимини такомиллаштириш.

4-боб. Ўқув-методик мажмууга қўйиладиган талаблар

14. Ўқув-методик мажмуанинг янги авлодини ишлаб чиқиши принциплари ҳамда уларнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар:

ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш;

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” принципи мазмун ва моҳиятини ўқувчиларнинг онгу тафаккурига сингдириш;

ўқувчиларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлаш;

фаол фуқаролик позицияларини мустаҳкамлаш;

масъулият, мажбурият, хуқуқий онг ва хуқуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилик, теран маърифатлилик, бағрикенглик каби фазилатларни шакллантириш вазифаларини белгилайди.

Тарбия фани ўқувчиларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига қўмаклашиш, самарали ҳамкорлик қилиш, вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўзларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қиласди.

15. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида учраётган салбий ҳолатларнинг асл сабабларини аниқлаш ва олдини олиш, хуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган қўйидаги профилактик ишлар натижадорлигини оширишга замин яратади:

ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор, моддий ва маънавий меросни асраб-авайлашга қаратилган инсонпарварлик туйғусини таркиб топтириш;

давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар томонидан билим ва ҳаётий кўникмаларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш;

ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш;

янги авлод ўқув-методик мажмуаларини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

умумтаълим фанларининг ўқитиши методологиясини такомиллаштириш асосида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш.

16. Ўқув-методик мажмуани ишлаб чиқиши принциплари:

мазкур фан бўйича ўқувчиларга сифатли билим бериш, уларни тўғри тарбия йўлига йўналтириш, зарур билим ва ҳаётий кўникмаларга эга бўлишларига, мустақил ҳаётга мослашишларига қўмак кўрсатиш, турли вазиятларда хуқуқий, маънавий мезонларга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган эстетик жиҳатдан замонавий безатилган, қизиқарли ва психолого-педагогик материалларга бой қўйидаги ўқув-методик мажмуалар комплексини талаб қиласди:

ўқув-методик мажмуа таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилганлиги;

ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлиари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги;

ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга қаратилганлиги;

умумий ўрта таълимининг зарур ҳажми берилганлиги, ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги;

мавзуларнинг мазмунан изчиллиги, илғор педагогик технологиялар, медиа-маҳсулотлардан унумли фойдаланилганлиги.

17. Дарсликка қўйиладиган дидактик талаблар:

ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

матнлар ахборот беришга эмас, балки ўқув фани мазмун-моҳиятининг ўқувчилар томонидан англаш ва ҳаётга татбиқ қилиш мақсадларига хизмат қилиши;

қизиқарли, лўнда ва ҳамма учун қулай ва табақалаштирилган бўлиши;

илмий дунёкарашни шакллантириш, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик талабларига жавоб бериши, аниқ далилларга асосланган материаллардан таркиб топиши;

таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлигини таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш иқтидори шакллантирилишига, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши;

расмлар кўринишидаги иллюстрациялар: хариталар, чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар, фотосуратлар, инфографикалардан иборат медиамаҳсулотлар билан безатилган бўлиши;

ўқувчилар психо-физиологик ривожланиш даражасига мос янги тушунчалар, атамалар, қоидалар, таърифлар ва шу каби луғат кўринишида ифодаланган бўлиши лозим.

18. Дарсликка қўйиладиган илмий-методик талаблар:

фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши;

ўқув фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги таъминланган бўлиши;

ўқув фани мавзулари адабий тил қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда оддий, содда, тушунарли ва равон тилда баён қилиниши;

мантиқий кетма-кетлик ва изчилликка амал қилиниши;

Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши;

савол ва топшириқларнинг аниқ ифодаланган бўлиши;

ўқувчиларни фикрлашга, ёзишга, тасвиrlашга, чизма чизишга, ҳисоблашга, амалий ишларни бажаришга, тажрибалар ўтказишга ўргатишда педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши;

бир тушунчанинг икки хил атама билан ифодаланишига, саналарни келтиришда ноаниқликка йўл қўйилмаслиги;

ўқувчиларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга йўналтиришга оид матн ва расмлар, изоҳли луғат, техник ижодкорлик, мантиқий ва инновацион тафаккурни ўстиришга қаратилган лойиҳалаш ҳамда моделлаштириш топшириқларини қамраб олган бўлиши лозим.

19. Дарсликка қўйиладиган педагогик-психологик талаблар:

кенг жамоатчилик томонидан тан олинган илмий асосланган маълумотлар, ўқувчиларнинг билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятлари, тафаккури инобатга олинган ҳолда, воеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳамда амалий қизиқишларини ривожлантиришга, билим олиш ва амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув фани мавзуларининг ўқувчи ёши ва психо-физиологик хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум бир фактлар, тушунчалар, қоидалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш қобилиятлари, олдин олган билимларини ўзлаштирганлик даражаси ҳисобга олиниши лозим.

20. Дарсликка қўйиладиган эстетик талаблар:

белгиланган талаблар даражасида ёрқин, рангли, чиройли безатилган, замонавий дизайнига мос бўлиши;

матнлар ва иллюстрацияларнинг уйғунлиги ва ўқувчилар ёшига мослиги;

бўлим, боб, мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши, уларнинг мутаносиблиги таъминланиши лозим.

21. Дарсликка қўйиладиган гигиеник талаблар:

матн ва иллюстрациялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

харфларнинг катталиги ва қофознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оқлиги ва шаффоғлиги) таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти талабларига мос бўлиши лозим.

5-боб. Якунловчи қоида

22. Концепцияда назарда тутилган мақсад ва вазифаларга эришишнинг молиявий харажатлари Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

